

**KALAMUSHLAR JIGARINING MORFOMETRIK KO'RSATGICHLARINI
NORMAL HOLATDA VA POLIPROGMAZIYADA YALLIG'LANISHGA
QARSHI 2 XIL VOSITALAR TA'SIRIDAGI XUSUSIYATLARI**

Ismoilov O.I. , Abduraimov Z.A.

Samarkand Davlat Tibbiyot Universiteti, Samarkand O'zbekiston

Аннотация. Инсонларда даволаш самарадорлигини ошириш, беморга ўзида ривожланган барча касалликлардан қутулишга ёрдам бериш истаги муқаррар равишда кўплаб дори – дармонлар (дорилар) тайинлашга – бу эса, ўз навбатида беморда полипрагмазияга олиб келади.

Полипрагмазия соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосидир, чунки у клиник жиҳатдан фармакотерапия самарадорлигининг пасайиши ва исталмаган салбий реакцияларнинг ривожланиши, шунингдек, соғлиқни сақлаш харажатларининг сезиларли ўсиши билан намоён бўлади.

"Полипрагмазия" атамаси кўпинча тиббий адабиётларда қўлланилади, аммо умумий қабул қилинган таъриф мавжуд эмас.

Шу мақсадда оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик кўрсаткичларини нормал ҳолатда ва полипрагмазияда яллиғланишга қарши дори воситалар таъсири ҳолатида солиштириш параметрлари ўрганиб чиқилди. Ишдан мақсад жигар тўқимасидаги морфологик ва морфометрик параметрлар бўйича маълумотларни тўлдириш ҳисобланди.

Калит сўзлар: полипрагмазия, морфометрия, морфология, яллиғланиш.

Долзарблиги:

Замонавий дунёда, касалликларни яхшилашга қодир бўлган кўплаб дори-дармонларни яратиш ва амалиётга жорий этиш ишларининг шиддатли ўсиши кузатилмоқда, бу бир томондан беморнинг аҳволини яхшилаши, бошқа томондан саломатликка жиддий зарар етказиши кузатилмоқда.

Рус адабий манбаларида полипрагмазия кўплаб дори-дармонларни, шу жумладан уларнинг асосиз ишлатилишини бир вақтнинг ўзида қўллаш деб таърифланади. Чет эл адабиётларида "полифармация" атамаси ишлатилади (polypharmacy, юнонча poly-кўп ва pharmacy - дори) Тиббий луғатларда полипрагмазия "бир рецептда бир нечта дорини аралаштириб ёзиш", "бир ёки бир нечта касалликларни даволаш учун бир нечта дорини ишлатиш"; бу ҳодиса кўпинча кекса беморларда кузатилади " ва илмий нашрларда 24 дан ортиқ таърифлар келтирилади.

Мақсад ва вазифалар:

Дориларнинг ноҳўя таъсири, бўйрак ва кардиоваскуляр патологиялар, бутун дунёда актуал муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ушбу патологияларнинг ривожланишида етакчи ўринни ностероид яллиғланишга қарши дорилар (НЯҚД) эгаллайди, улар энг кўп ишлатиладиган дори воситаларидан биридир.

Жигарнинг морфофункционал ҳолатини таҳлил қилишнинг гистологик усуллари турли этиологияли жигар касалликларини ташхислаш ва дифференциал ташхислашда кенг қўлланилади. Бироқ, уларнинг натижалари ҳар доим ҳам бутун орган структурасининг бузилишини акс эттирмайди. Шунинг учун жигар тўқимасида ўзгаришларни ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларидан полипрагмазия ҳолатидаги маълумотларини ўрганиш имкони пайдо бўлиши нуқтаи назаридан оқ зотсиз каламушлар жигари макроскопик ва микроскопик ўрганиш мақсад қилиб олинди ва 64 та оқ зотсиз каламуш жигари макроскопик ва микроскопик ўрганилди.

Материал ва усуллар:

Текшириш давомида жигар тўқималарини макроскопик ва микроскопик ўрганишларига асосланиб, икки гуруҳга ажратилган жами 40 та жигар тўқимаси патогистологик ўрганиб чиқилди. Умумий морфология учун ҳар бир жигардан 2 та бўлак, яъни катта бўлаги ва ўрта қисмидан 1,5x1,5 см бўлақлар кесиб олиниб 10% ли нейтралланган формалинда қотирилди. Оқар сувда 2-4 соат ювилгандан сўнг концентрацияси ошиб борган спиртларда ва ксиллда сувсизлантирилди, кейин парафин қуйилиб, блоклар тайёрланди. Парафинли блоклардан 5-8 мкмли кесмалар тайёрланиб, гематоксилин ва эозинда бўялди. Тажриба гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг экспериментал гуруҳларида полипрагмазиянинг таъсирини ўрганиш учун қуйидаги яллиғланишга қарши воситалар ишлатилган:

Аспирин (НЯҚД-салицил кислотасининг ҳосилалари), парацетамол (НЯҚД-анилидларнинг ҳосилалари).

Натижа ва хулосалар:

Тажриба учун олинган оқ зотсиз каламушлар 2 гуруҳга ажратилди (n=40): I–гуруҳ – (интакт) контрол (n=20); II–гуруҳ – 2 хил ностероид яллиғланишга қарши дори қабул қилган оқ зотсиз каламушлар, парацетамол 15 мг/кг, аспирин 5 мг/кг (n=20); Ушбу дори дозалари эмпирик тарзда ҳисоблаб чиқилган ва ҳар кун ошқозон ичига 10 кун давомида эритма шаклида қўлланилган.

Ривожланишнинг 141 кунидан бошлаб 150 кунигача бўлган оқ зотсиз каламушларнинг Назорат гуруҳидаги каламушларига 10 кун мобайнида метал зонд орқали ошқозон ичига 0.5 мл дистилланган сув юбориб турилди.

Оқ зотсиз каламушлар жигаридан олинган кесмалар морфометрик текширилиб, жигар паренхимаси, гепатоцитлар ўлчами окуляр микрометр

ёрдамида ўлчанди, бунда биз Хитойда ишлаб чиқарилган тринокуляр микроскопдан фойдаландик. ДН-107т/ Model НЛСД-307б (Roman, Хитой).

Тадқиқот давомида олинган морфологик маълумотларни математик қайта ишлаш тўғридан – тўғри Microsoft Office маълумотлар пакетининг умумий матрицасидан "Excel 7.0" Pentium-ИВ шахсий компютерида "СТТГРАФ 5.1" дастурининг имкониятларидан фойдаланиб, стандарт оғиш ва вакиллик хатолари аниқланди.

Вариацион параметрик статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўрта арифметиги (М), ўртача квадратик четланиш (м), ўртача стандарт хатолик (м), нисбий қийматлар (частота,%) ни ҳисоблаш билан қўлланилди.

Ўлчамларни таққослашда олинган ўлчамларнинг статистик аҳамияти Стьюдентнинг мезони (т) тақсимотнинг нормаллигини (kurtosis мезони бўйича) ва умумий вариациялар тенглигини текширишда хатолик эҳтимоли (П) ни ҳисоблаш билан аниқланди (ф – Fisher мезони). Ҳисобланган мезонларнинг статистик аҳамиятини баҳолаш учун мақбул муҳимлик даражалари (П) учун кўрсаткичлар ва танқидий қийматлар жадвалларидан фойдаланилди.

Муҳимликнинг тўртта асосий даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди: юқори - $P < 0.001$, ўрта $P < 0.010$, паст (маргинал) – $P < 0.050$, аҳамиятсиз (ишончсиз) - $P > 0.050$.

Шундай қилиб, юқорида тавсифланганидек ностероид яллиғланишга қарши дори (НЯҚД) препаратлар мажмуасини қўллаш каламушларда жигар паренхимасида турли патоморфологик ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди (расм 1,2). Баъзи сурункали касалликларни даволаш узок давом этадиган жараёнлар ва айни пайтда беморларда токсик жигар патологияларини ривожланиш эҳтимоли юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, даволанаётган беморларда гепатопротектив воситаларни даволаш режимларига киритиш тавсия этилади.

Хотима:


- Ушбу маълумотлар жигардаги нормал кўрсаткичларни билган ҳолда микроскоп ёрдамида патологияларни ажратиб олиш ва ҳужайраларни бир бири билан солиштириб кўриш имконини беради.

- Жигарнинг морфофункционал ҳолатини таҳлил қилишнинг гистологик усуллари турли этиологияли жигар касалликларини ташхислаш ва дифференциал ташхислашда кенг қўлланилади.


- Бу маълумотлардан тиббиёт муассасаларининг гистология, патанатомия кафедраларида талабаларга ўқув жараёнида микроскопик ва макроскопик маълумотларни тўлдиришда фойдаланиш мумкин.

- Оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик кўрсаткичларини нормал ҳолатда ва полипрагмазияда яллиғланишга қарши дори воситалар таъсири

ҳолатида солиштириш параметрларини билган ҳолда патогистологик ташхис тузишни осонлаштиради.



Расм 1. Марказий вена(1), сақланиб қолган жигар бўлакчалари(2), нормал ҳолатдаги гепатоцитлар(3), дегенератив ўзгаришга учраган гепатоцитлар(4).



Расм 2. Марказий вена(1), жигар бўлакчаларининг дисконкомплексияланиши(2), дегенератив ўзгарган гепатоцитлар(3), баъзи гепатоцит ядроларининг лизисланиши(4).

Адабиётлар:

1. Salim, D., Svetlana, K., Zafarjon, A., & Sherali, U. (2017). Factor analysis method of selection of plastics abdominal wall patients with ventral hernias. *European science*, (2 (24)), 84-88.

2. Мустафоев, З. М., Абдураимов, З. А., & Мавлонкулова, Д. М. (2023). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ОТДЕЛОВ НЕФРОНА КРЫС И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ ЭФФЕКТА ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ. *Research Focus*, 2(11), 119-123.

3. Курбаниязов, З., Давлатов, С., Абдураимов, З., & Усаров, Ш. (2016). Современная концепция лечения больных с гигантскими послеоперационными вентральными грыжами. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (1 (86)), 113-122.

4. Zafarjon, A., & Khidirov, Z. E. (2023). MAIN CAUSES, DIAGNOSIS, AND EFFECTIVE TREATMENT OF POSTCHOLECYSTECTOMY SYNDROME. *World Bulletin of Public Health*, 21, 223-228.

5. Khidirov, Z. E., & Zafarjon, A. (2023). Views on " Postcholecystectomy Syndrome". *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 4(3), 200-206.

6. Abduraimov, Z., & Khidirov, Z. (2023). RESTORATION OF MORPHOLOGICAL STRUCTURES IN THE WALL OF THE SMALL INTESTINE. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 3(10), 103-107.

7. Мустафоев, З. М., Абдураимович, А. З., & Хидиров, З. Э. (2024). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ, СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ аспирином, парацетамолом, ибупрофеном. *Miasto Przyszłości*, 46, 1177-1183.

8. Abduraimovich, A. Z., & Erkinovich, H. Z. (2023). MORPHOFUNCTIONAL CHARACTERISTICS OF THE SMALL INTESTINE DURING EXPERIMENTAL CHOLECYSTECTOMY AND ANTIHYPOXANT THERAPY IN ACUTE SMALL INTESTINAL OBSTRUCTION. *Journal of Universal Science Research*, 1(10), 222-229.

9. Erdanovich, R. K., Sulaimanovich, D. S., Shukurillaevich, A. D., & Abduraimovich, A. Z. (2022). Criteria For Selecting Surgical Treatment Of Patients With Vental Hernias And Obesity. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 3, 40-46.

10. Shukurullaevich, A. D., Amirovich, M. B., Sulaymonovich, D. S., & Abduraimovich, A. Z. (2021). Tensioned hernioplasty and abdominoplasty in patients with morbid obesity. *Вестник науки и образования*, (3-2 (106)), 88-98.

11. Хамракулова, Н. О., & Абдураимов, З. А. (2022). Сравнительная оценка эффективности консервативного и хирургического методов лечения больных с хроническим гнойным средним отитом. Журнал стоматологии и краниофациальных исследований, 3(3).

12. Usanov, S., & Abduraimov, Z. (2024). YALLIG ‘LANISHGA QARSHI DORI VOSITALARI POLIPRAGMAZIYASIDA JIGAR PARENXIMASINING MORFOMETRIK O ‘ZGARISHLARINI O ‘RGANISH. Medical science of Uzbekistan, (1), 13-17.

13. Марданов, Д. Н., Иванов, Л. А., Ильина, А. В., Сысоев, К. В., & Большаков, С. Э. (2008). ЗНАЧЕНИЕ КЛИНИКО* МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ ПРОКСИМАЛЬНЫХ ОТДЕЛОВ ТОНКОЙ КИШКИ В ФОРМИРОВАНИИ ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЙ КИШЕЧНИКА У БОЛЬНЫХ ПОСЛЕ ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ. Морфологические ведомости, (3-4), 181-182.

14. Ilhomovna, K. M., Khidirov, Z. E., & Abduraimovich, A. Z. (2022). Anatomical features of the nose and nasal cavity. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 4(03), 46-50.

15. Ikhtiyorovna, B. S., & Abduraimovich, A. Z. (2024). DEPENDENCE OF CERVICAL CANCER ON GENETIC POLYMORPHISM AND INTERNATIONAL ONCOLOGICAL STATISTICAL ANALYSIS. Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences, 4(1-2), 167-172.

16. Нурмухамедова, Ф. Б., Хамракулова, Н. О., & Абдураимов, З. А. (2024). ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ОССИКУЛОПЛАСТИКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ СРЕДНЕМ ОТИТЕ. Miasto Przyszłości, 48, 1021-1027.

17. Ismailov, O. I., Sadinovich, U. S., & Abduraimovich, A. Z. (2024). COMPARISON OF MORPHOLOGY AND MORPHOMETRIC INDICATORS OF LIVER TISSUE IN NON-WHITE RATS UNDER THE INFLUENCE OF 3 DIFFERENT TYPES OF ANTI-INFLAMMATORY DRUGS IN NORMAL AND POLYPHARMACY. JOURNAL OF HEALTHCARE AND LIFE-SCIENCE RESEARCH, 3(4), 235-243.

18. Farmonova, R. F., & Abduraimov, Z. A. (2023). TRISOMIYA-13. Educational Research in Universal Sciences, 2(13), 566-569.

19. The morphofunctional significance of the intestinal epithelium in normal and ulcerative (non-specific ulcerative colitis) colitis. Oripov F.S., Kurbanova L.M "Pedagogs" international research journal, pages 129-139 .

20. SPECTRUM OF DISEASES CAUSED BY MORPHO-FUNCTIONAL DISORDERS ORGANIZATION OF ENDOCRINE CELLS IN THE COLON K.L Murodiloevna, O.F Sur'atovich, R.V Deev, pages 181-186

21. Norbekovich, T. B., Oblakulovich, K. S. O. S., Sadinovich, U. S., Mustafievich, M. Z., & Akhmadjonovich, S. S. (2021). Polypragmasia as a risk factor causing complications in viral infection. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 2(2), 79-82.

22. Sadinovich, U. S., Oblakulovich, K. S., & Murodullaevna, K. L. (2023). Morphology and morphometric characteristics of liver tissue of group four white rats. *Journal of biomedicine and practice*, 8(3).

23. Usanov, S. S., & Teshayev, S. J. (2022). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE LIVER MORPHOMETRIC PARAMETERS OF WHITE UNBORED RATS IN NORMALITY AND WITH THE ACTION OF 2 DIFFERENT ANTI-INFLAMMATORY PREPARATIONS IN POLYPRAGMASIA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 68-74.

24. Усанов, С. С. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПЕЧЕНИ ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 613-621. (in Russ).

25. Sadinovich, U. S., & Ismoilovich, I. O. (2022). OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING MORFOMETRIK KO'RSATGICHLARINI POLIPROGMAZIYADA YALLIG'LANISHGA QARSHI 4 HIL VOSITALAR TA'SIRI HOLATIDA O'RGANISH. *JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE*, 7(5). (in Uzb).

26. Usanov, S. S. (2022). Anatomical and Histological Parameters of the Liver of White Nonbored Rats in Normal. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(1), 123-128.

27. Usanov, S. S., & Zh, T. S. (2022). Study of Morphological Changes in the Liver of White Unbored Rats under the Influence of 3 Different Anti-Inflammatory Preparations. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(1), 129-132.

28. Usanov, S. S., Teshayev, S. J., & Sanoev, B. A. (2022). MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE LIVER OF WHITE NONBORED RATS IN NORMAL. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 75-81.

29. Sadinovich, U. S. (2021). Characteristic Of The Morphometric Parameters Of The Liver In Polypragmasia. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(10), 28-32.

30. Usanov, S., Xidirov, Z., & Olimova, J. (2023). OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING ME'YORDAGI MORFOLOGIK VA MORFOMETRIK PARAMETRLARI. *Yevraziyskiy jurnal akademicheskix issledovaniy*, 3(11), 101-107. (in Uzb).

31. Sadinovich, U. S., Erkinovich, K. Z., & Abdurafikovich, D. H. (2023). Study Of The Morphometric Indicators Of The Liver Of Album Rats Under The Effect Of 3 Different Anti-Inflammatory Medicines In Polyprogramsis. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 4(6), 450-455.

32. Sanjar, U. (2022). MORPHOLOGICAL FEATURES OF THE LIVER IN POLYPRAGMASIA. YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR, 127-129.

33. Mustafoev, Z. M., Abduraimov, Z. A., & Mavlonkulova, D. M. (2023). MORFOMETRIChESKAYa KLASSIFIKATSIYa OTDELOV NEFRONA KRiS I OPREDELENIE IZMENENIY EFFEKTA POLIPRAGMAZII PROTIVOVOSPALITEL'NYX PREPARATOV. Research Focus, 2(11), 119-123. (in Russ).

34. Khidirov, Z. E., & Zafarjon, A. (2023). Views on" Postcholecystectomy Syndrome". Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 4(3), 200-206.

35. Zafarjon, A., & Khidirov, Z. E. (2023). MAIN CAUSES, DIAGNOSIS, AND EFFECTIVE TREATMENT OF POSTCHOLECYSTECTOMY SYNDROME. World Bulletin of Public Health, 21, 223-228.

36. Abduraimov, Z., & Khidirov, Z. (2023). RESTORATION OF MORPHOLOGICAL STRUCTURES IN THE WALL OF THE SMALL INTESTINE. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(10), 103-107.

37. Usanov, S. S., Xidirov, Z. E., & Abdurayimov, Sh. Sh. (2024). OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING NORMADA MORFOLOGIK PARAMETRLARINI O'RGANISH. TADQIQOTLAR. UZ, 33 (2), 98-105. (in Uzb).

38. Usanov, S. S., & Xidirov, N. Ch. (2024). OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING MORFOMETRIK KO'RSATGICHLARINI POLIPROGMAZIYADA YALLIG'LANISHGA QARSHI 3 HIL VOSITALAR TA'SIRI HOLATIDA O'RGANISH. TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN, 2(2), 173-178. . (in Uzb).